

ЧОРРАҲАДАГИ УЙ

Насиба уйига яқинлашар экан, йўл четида соч-соқоли ўсиб кетган, кун иссиқ бўлишига қарамай узун қора пальто кийган кишига дуч келди. Уни бир ҳафтача олдин шу ерда кўрганида уйнинг ҳашамига маҳлиё бўлган қандайдир ўткинчидир-да, деб ўйлаганди. Чунки чорраҳада жойлашган бу уй ҳар қандай йўловчининг эътиборини тортар, ким бўлишидан қатъи назар уйга бир қур назар ташлаб ўтмасдан кетолмасди. Уйнинг бир жиҳати чорраҳада жойлашгани бўлса, иккинчиси оппоқ мрамор устунлари эдики, ҳар қандай одамнинг эътиборини тортарди. Уй бир қаватли бўлса-да, икки қаватли уйлардек баланд, атрофи ўзига мос равишда баланд девор билан ўралган ҳовлисида катта чинорнинг шохлари тарвақайлаб чиқиб турарди. Уй бир қарашда қадимий хон саройига ўхшаб кетса, бир қарашда замонавий бинолардек кўринар, нақшинкор дарвозаси офтода ялтиллаб кўринарди. Насиба буни билгани учун уйга анграйганларга унчалик эътибор беравермас, машинасида тушгандан кейин, мийиғида кулиб, асфальт йўлни тақ-туқ босганича дарвозадан кириб кетарди. Лекин бу сафар бунақа бўлмади. Насиба бир неча кундан бери дарвозага илҳақ бўлиб термилиб ўтирган бу кишининг кимлигини билгиси келди. Балки ўғридир, девона кўринишида олдин уйни яхшилаб кузатиб, кейин шериклари билан ўғирликка тушмоқчидир. Насиба хавотиридан ўзи кўрқиб кетди. Кейин акаси уйга кўйиб кетган қўриқчиларни эслаб ўзига таскин берди. Акаси ақлли йигит. Сафарга кетганида бувиси ва унинг ҳафвсизлигини таъминлаб кетади. Иши кўплигига қарамасдан ҳар соатда қўнғироқ қилиб туради. Насиба шуларни ҳаёлидан ўтказаркан, бекор хавотирланаётганига ичида кулиб қўйди. Бироқ унинг қизиқиши устун келиб, машинасида тушиб дайдига яқинроқ борди. Унинг соч-соқоли ўсиқ, бошига кир-исқирт кепкани бостириб кийиб олганди. Эғнидаги пальто яғирланган, ҳатто орқасидаги лойга ботган жойи оқариб турарди.

Насиба уни кўриб бурнини жийирди. Аммо шу заҳотиёқ ҳайратдан кўзлари катта-катта очилди. Чунки Насибани дайдининг туфлиси билан

бўйнига ўраб олган шарфининг ниҳоятда тоза мол эканлиги хайратга солганди. Ўтган йили қишда акаси худди шунақа шарфни уч юз долларга олдим, деганди. Балки қайсидир бойваччани ўлдириб, пана жойга ташлаб кетишган бўлса, у бориб кийимларини ечиб олдимикан? Насиба орқасига тисарилди. Шу пайт дайди унинг шарпасини эшитиб у томонга ўгирилди. Олдинига қўрқиб кетган Насиба унинг нигоҳини кўриб, юрагининг туб-тубида асраган, соғинган нигоҳга жудаям ўхшашлигини ҳис қилди. Бир пас дайдининг юзига тикилиб турди-да, бурилиб нақшинкор дарвоза томонга тез-тез юриб кетди. Ҳовлига киргач унга салом берган кўриқчига ҳам эътибор бермай, тўғри хонасига йўналди. Кийимларини ечмасдан ўзини ўринга ташлади.

Нимага у бунчалик довдиради, ўзи ҳам билмайди. Ахир у бор-йўғи бир дайди бўлса. Насиба қанчадан-қанча давраларда қатнашган, чет элларга чиққан, ҳатто казо-казолар билан бир стол атрофида ўтирганида ҳам бунчалик ҳовлиқмаганди. Нимага у бунчалик титрайди. Тўғри, унинг кўзлари акасига ўхшаб кетаркан, нигоҳи ҳам уйининг тўрига неча йиллардан бери осиб қўйилган суратдаги нигоҳга ўхшайди. Нима бўпди. Бўлиши мумкинмасми? Ахир одам-одамга ўхшаши мумкин-ку! Ҳа, у ота меҳрига тўймай ўсди. Ота деганда акасини, она деганда бувисини кўрсатиб улғайди. Акаси ҳам, бувиси ҳам шу пайтгача унинг кўнглига қарашди, ўксимасин дейишди. Аммо у уй тўридаги осилган суратга тикилаверарди. Худди суратга бир кун жон кирадию, у нақшинкор дарвозадан кириб келадигандай. Бугун эса ногаҳонда суратга жон киргану дайди қиёфасида дарвозаси олдида пайдо бўлгандай.

Насиба шу ётишда анча ётди, кейин бир йилдан бери тўшакка михланган бувисига келганини айтмагани эсига тушиб ўрнидан турди. Кийимларини алмаштириб хонасидан чиқди. Йўлакчадан бир-бир босиб бувисининг хонасига яқинлашар экан, унинг ким биландир гўнғир-гўнғир гаплашаётганини эшитди. Олдинига қараётган ҳолда тургани учун унчалик

эйтибор бермади. Кейин бувисининг рўпарасидаги ҳали кўчада кўрган дайдининг шарпасини сезиб ўзини панага олди.

— Агар кечиролсанг, мени кечир ўғлим, — деди бувиси бўғиқ овозда.

— Нима учун? Менга қилган ноҳақликларингиз учунми ёки болаларимга мени ўлган деб, уларни тирик етим қилганингиз учунми?

Паст, лекин изтиробли янгради дайдининг овози. Бувиси жавобан ҳеч нима демади.

— Гапиринг, — бу сафар баландроқ чиқди дайдининг овози. Унга жавобан эса бувисининг пиқ-пиқ йиғлагани эшитилди.

— Сиз мени болалигимдан катта қилдингиз, — секин гапира бошлади дайди. — Бегона бўлсангиз ҳам онамдай меҳр бердингиз. Улғайганимдан кейин эса бунинг эвазига ўз синглимдай кўрадиган қизингизга уйланишга мажбур қилдингиз. Ваҳоланки, мен ўз орзуларимдан кечиб, сизни ва отамнинг обрўсидан ташқари, қизингизнинг шаънини асрашим керак эди. Отамни рози қилиш учун шундай қилдим ҳам. Сиз эса қизингизни тўғри йўлга солиш ўрнига мени болаларимдан айирдингиз. Мени қайтиб келмайдиган қилиб чет элга жўнаттирддингиз. Оқибат эса отамни сўнгги манзилга ҳам кузатолмадим. Нима учун? Шу зорманда уй учунми? Болаларимни отамдан қоладиган мерос учун тирик етим қилдингизми? Кимга вафо қилди бу мерос? Сизгами ёки қизингизгами? Хатто қизингизни ҳам ўлдиришга бориб етдингиз-ку?!

Насиба уларни суҳбатини эшитиб тураркан, энагаси унга болалигида сўзлаб берадиган эртаси ёдига тушди. Унда эридан қоладиган мерос учун ўғай ўғлини қизига мажбурлаб уйлантирган кампир ҳақида сўз борар, кампир жудаям зулмкор бўлганидан қизи ўз жонига қасд қилар, ўғай ўғил эса борса келмас юртга бадарға қилинади. Бунинг ҳаммаси ёвуз қари кампирнинг кирдикори бўлиб, охир-оқибат у ўз жазосини оларди.

Насиба ҳозир энагасининг бу эртагини эсларкан, ўшанда кампирдан нафратланганлари кўз олдидан ўтди. Насиба деворга суянганча қотиб тураркан ичкаридан ҳалиям дайдининг овози эшитиларди.

— Нафратланаман сиздан, эшитяпсизми, нафратланаман!

Шундан кейин полни ғичирлагани эшитилди. Унинг хонадан чиқаётганини фаҳмлаган Насиба ўзини панага олди. У чиқиб кетгач, бувисининг хонасига кирди. Тахлаб қўйилган ёстиқларга суянганча, юзини беркитиб йиғлаётган бувисининг ёнига борди.

— Бuvi...

Бувиси қўлларини тушириб, ёшли кўзларини унга тикди.

— Ҳаммасини эшитдингми?

Нафиса унга жавоб бериш ўрнига, савол берди.

— У отаммиди?

Бувиси “кечиринглар мени”, деганча яна уввос солди. Энди Нафиса ҳамма нарсага тушунганди. У оёқяланг кўчага қараб югурди. Кеч тушиб, атроф қоронғилашиб қолган, бунинг устига кўча чироқлари ҳам ёқилмаганди. Нафиса нақшинкор дарвозадан отилиб чиқаркан, дайди аллақачон қоронғулик бағрига сингиб кетган, ўткинчилар эса мармар устунлари товланиб турган бу уйга ҳавас билан бир қур назар ташлаб ўтишарди.